

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусаҳҳих:** Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

<b>Н.Матхошимов, Э.Исаков</b> Фарғона вилояти меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг бирламчи ногиронлиги сабаблари структураси.....	203
<b>А.Шерматов, А.Юсупова</b> Ўқувчиларнинг математика фанидан типик хатолари ва уларни бартараф этишнинг баъзи йўллари.....	210
<b>О.Турсунмуратов, Н.Қутлимуратов, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев</b> Вермикулит асосида олинган ионитнинг физик-кимёвий хоссалари.....	213
<b>Х.Лутфуллаева</b> Тиббиёт талабалари инглиз тилини ўрганиш жараёнида мустақил таълим олиш кўникмалари бошланғич даражасининг экспериментал тадқиқоти.....	217
<b>И.Асқаров, Д.Ҳожиматова</b> Таркибида ферроцен сақловчи суюқ азотли ўғитлар олиш.....	222
<b>А.Шарафиддинов</b> Фарғона водийси қишлоқларида халқ ғалаёнлари (XIX аср охири) .....	226
<b>А.Ғаниев</b> Тадбиркорлик маданиятининг ўзига хос ментал хусусиятлари.....	230
<b>Х.Мухаммедова</b> Шарлотта Бронте ижодида рамзлар тасвири.....	233
<b>Х.Хаитов</b> Фолчи ёки ромчи – кулги асарлардаги ҳажвий қиёфалардан бири.....	236
<b>Г.Умаржонова</b> Тилларда соматик сўзлар иштирокидаги фразеологизмларнинг шаклланиши.....	239
<b>Л.Ғалимуллина</b> Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимли фразеологик birlikларнинг қиёсий таҳлили.....	242
<b>И.Аҳмаджонов</b> Морфемик birlikларнинг вазифасига кўра таснифланиши.....	245
<b>М.Саидакбарова</b> Мангуликка дахлдор сўз.....	249
<b>Д.Қаландарова</b> Карл Райхл – ўзбек фольклори таржимони ва тадқиқотчиси.....	252
<b>И.Жўраев</b> Бурч ва масъулиятнинг бадий-фалсафий талқинлари.....	256
<b>Ф.Анварова, Н.Тоирова</b> Жамиятнинг турли табақалари нутқида ишлатиладиган жаргонлар .....	259

УДК: 821.0: 398

**КАРЛ РАЙХЛ – ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ ТАРЖИМОНИ ВА ТАДҚИҚОТЧИСИ****КАРЛ РАЙХЛ – ПЕРЕВОДЧИК И ИССЛЕДОВАТЕЛЬ УЗБЕКСКОГО ФОЛЬКЛОРА****KARL REICHL – TRANSLATOR AND RESEARCHER OF UZBEK FOLKLORE****Қаландарова Дилафрўз Абдужамилевна<sup>1</sup>**

**<sup>1</sup>Қаландарова Дилафрўз Абдужамилевна** –*Низомий номидаги ТДПУ, Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.*

**Аннотация**

Мақолада Карл Райхл ўзбек фольклоршуносларининг илмий ишларидан кенг фойдаланган ва ўз тадқиқотларида уларга инглиз ва немис тилларида кенг муносабат билдирган таниқли туркшунослардан бири эканлиги, унинг ўзбек фольклори таржимони ва тадқиқотчиси сифатида фаолияти, немис ва инглиз тилларида амалга оширган таржималари, яратган илмий тадқиқотларининг мазмун-моҳияти, мундарижаси, тузилиши ҳақида фикр юритилган. Жаҳон фольклоршунослигида ўзбек фольклорига қиёсий ёндашув асослари ҳамда усуллари Карл Райхлнинг инглиз тилидаги таржима ва тадқиқотлари мисолида аниқланган.

**Аннотация**

*В статье приведены сведения о Карле Райхле как об из известном тюркологе, использовавшем труды узбекских фольклористов на английском и немецком языках. Также даётся информация о его деятельности переводчика и исследователя узбекского фольклора, его переводах на немецкий и английский языки, сути и содержания исследований и их структуре. На примере английского перевода и исследования Карла Райхла выявлены основы и методы сравнительного подхода к узбекскому фольклору в мировом фольклоре.*

**Annotation**

The article informs about Karl Reichl as one of the well-known Turkologists who used the works of Uzbek folklorists in English and German languages. His work as a translator and researcher of Uzbek folklore, his translations into German and English, the content of his research and its structure are described. The foundations and methods of a comparative approach to Uzbek folklore in the world folklore are identified in the example of Karl Reichl's English translation and research.

**Таянч сўз ва иборалар:** фольклор, ўзбек фольклори, Карл Райхл, таржимон, таржима, тадқиқотчи, эпос, турк эпоси, достон, бахши.

**Ключевые слова и выражения:** фольклор, узбекский фольклор, Карл Райхл, переводчик, перевод, исследователь, эпос, тюркский эпос, дастан, сказитель.

**Key words and expressions:** folklore, Uzbek folklore, Karl Reichl, translator, translation, researcher, epos, Turkic oral epic, dastan, bakhshi.

**Кириш.** Жаҳон фольклоршунослигида қиёсий фольклоршунослик назарий ва амалий жиҳатдан тобора ривожланиб бораётган алоҳида йўналишлардан биридир. Унинг таркибида фольклор асарлари таржимашунослиги, фольклор тилининг адабий тилга таъсири, халқ ижоди асарлари вариантлари, ёзувга кўчирилган манбалар қиёсий таҳлили, умумфольклор ҳодисалари поэтикасидаги муштаракликлар, бир хил ва турли тизимли тилларда яратилган фольклор намуналарининг типологик ва хусусий белгилари, адабий алоқалар, оғзаки ва ёзма ижод муносабати, фольклоризмлар масалаларини ўрганишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Лекин жаҳон фольклоршунослигида ўзбек фольклорига

қиёсий ёндашув асослари ва усулларини аниқлаш учун ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг таржимаси ва тадқиқи билан махсус шуғулланган олимлар фаолиятини ўрганиш ҳам зарур ҳисобланади. Бу жиҳатдан Карл Райхлнинг ўзбек фольклори бўйича немис ва инглиз тилларида амалга оширган таржима ва тадқиқот ишлари ўрганилиши долзарб вазибалардандир.

**- Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).**

Туркий халқлар, жумладан, ўзбек фольклори намуналари қадимдан ҳозиргача кўплаб Европа мамлакатлари олимларининг алоҳида диққатини тортиб, уларнинг эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. Аммо

Ҳерман Вамбери, Анна Луиза Стронг, Корлис Ламонт, Г.М.Шулбрайт, Н.Чадвик, Идрис Шоҳ, С.Баура, Ҳасан Паксой, Карл Райхл, М.Петерсен, Ф.Адамс каби олимларнинг таржима ва тадқиқотлари ҳали етарли даражада ўрганилмаган. [1, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14]. Тўғри, бу борада ўзбек таржимашунослигида Р.Файзуллаева, Ш.Рўзиев, Й.Нурмуродов, Б.Шамсиева, Х.Рўзимбоев, З.Жуманиёзов, Б.Сувонкулов, Р.Ширинова, М.Жўраева, Ҳ.Юсупова, У.Йўлдошев, Р.Қосимова, О.Файзуллоев тадқиқотларида айрим фикрлар билдириб ўтилган. Жумладан, Ҳ.Ў. Юсупова эртак ва латифаларнинг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланишини ўрганар экан, йўл-йўлакай Карл Райхлнинг ўзбек фольклорини икки тилга – инглиз ва немис тилларига таржима қилиб, Ғарб мамлакатлари ўқувчилари эътиборига ҳавола эта олганлиги билан эътирофга сазоворлигини ҳақли таъкидлайди. [6; 26-40].

#### - **Тадқиқот методологияси (Research Methodology)**

Жаҳон фольклоршунослигида ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарининг туркий ва бошқа халқлар эпик аъналарини билан генетик алоқадорлиги, ўзаро таъсири, жанрий таркиби, сюжет, мотив ва образлар структурасига алоқадор айрим умумий ва дифференциал белгиларни очишга қаратилган изланишлар мавжудлиги умумжаҳон цивилизациясида ўзбек фольклорининг алоҳида ўрни борлигини тасдиқлаши нуктаи назаридан эътиборни тортади. [1, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14]. Ўзбек фольклорининг жаҳон қиёсий фольклоршунослиги манбаси сифатида танланиш асослари, ёндашув усулларини ўрганиш ўзбек қиёсий фольклоршунослигининг тарихи ва назарий асосларини аниқлаш имконини бериши билан муҳим аҳамият касб этади. [5]. Бугунги халқаро муносабатлар ўзбек-немис, ўзбек-инглиз маънавий-маданий муносабатларини янада яхшилашга хизмат қила олиши билан муҳим бўлган Карл Райхлнинг ўзбек фольклорини немис ва инглиз тилларида ўрганиш ҳамда ўргатишга қаратилган тадқиқотлари яратилиш омилларини, мақсад-мундарижасини алоҳида ўрганишга йўл очади.

#### - **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)**

Карл Райхл ўзбек фольклорининг хорижда немис ва инглиз тилларида тарқалиши ҳамда ўрганилишига шу тилларда амалга оширган таржималари қатори 1980-1989 йиллардаги изланишлари асосида яратган “Uzbek Epic Poetry: Traditions and Poetic Diction” (1989, “Ўзбек эпик шеърляти: аъналар ва бадиий услуб”) [14], 1992 йилда унинг янада кенгайтирилган ва бойитилган нашри “Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure” [12] китоблари билан катта ҳисса қўшган таниқли фольклоршунос олимлардан биридир. Бу китоб “Тюркский эпос: традиция, формы, поэтическая структура” номи билан В.Трейстер томонидан Д.А.Функ умумий таҳрири остида инглиз тилидан рус тилига таржимада чоп этилган [15].

К.Райхл тадқиқотлари жаҳон фольклоршунослигида ўзбек фольклорига қиёсий ёндашув асослари ҳамда усулларини аниқлашда муҳим манба вазифасини ўтай олиши, қиёсий фольклоршуносликнинг ўзбек фольклоршунослиги таркибидаги ўрни, мақсад ва вазифалари, методологик хусусиятлари, шаклланиш тарихи ва назарий тараққиёт босқичларини далиллаши, ўзбек фольклорининг жаҳон қиёсий фольклоршунослиги манбаси сифатида танланиш ва ўрганилиш омилларини асослашга имкон бериши билан аҳамият касб этади.

Карл Райхл ўзбек фольклорининг немис ва инглиз тилларига моҳир таржимони эканлигини у танлаган асарлар мундарижаси, жанри, чоғиштирма тилшуносликнинг услуб ва усул меъёрлари ўзида тўлиқ намоён этади. Олимнинг тадқиқотларида ўзбек фольклорига туркий фольклор контекстида қиёсий ёндашилган бўлиб, уларда ўзбек ва бошқа туркий халқлар эртаклари ҳамда дostonлари поэтик структурасидаги умумий ва дифференциал белгилар, эпосда бош қаҳрамон, сюжет моделларини танлаб тасвирлашда бахшилар маҳорати, фольклор ва ёзма адабиёт алоқаси, фольклоризмлар типологияси, тарихий ва замонавий биографик асарлар мундарижаси ва уларнинг тил хусусиятларини танқидчи услуби ҳамда маҳорати масалалари ёритилган.

Карл Райхлнинг ўзбек фольклори намуналаридан немис ва инглиз тилларига ўгирилган таржималари, асосан, ўзбек эртак,

достон ҳамда бахшилари ҳақида яратилган адабий-танқидий асарлардан иборат.

Карл Райхлинг ўзбек фольклори бўйича амалга оширган таржима ва тадқиқотлари жаҳон фольклоршунослигида ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарининг туркий халқлар эпик аънаналари билан генетик алоқадорлигини, жанрий таркиби, сюжет, мотив ва образлар структурасида ўзига хос миллий белгилар, универсалия ва парадигмалар кўпроқ эпик асарларда бош қаҳрамон, сюжет моделлари танлаб тасвирлашда кўринишлари, умумжаҳон цивилизациясида ўзбек халқ маънавий сарчашмаларининг алоҳида ўрни борлигини асослашга хизмат қилиши билан муҳимдир.

Олимнинг “Turkish Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure” китоби “Studies in Oral Traditions” рўқни остида инглиз тилида Нью-Йоркда нашрдан чиққан бўлиб, ўн боб, библиография ва атамалар рўйхатидан ташкил топган. Унинг “Кириш” қисмида муаллиф шундай изоҳ келтирар экан, ўзбеклар номини алоҳида тилга олгани кузатилади: “The focus of the book will be on what I term the “central traditions”. By “central traditions” of Turkish oral epic poetry I mean the epic traditions of the **Uzbeks** (and Uighurs), Kazakhs, Karakalpaks, and Kirghiz...” [14; 4-5]. (Таржимаси: Китобнинг асосида “марказий аънаналар” атамасини қўйганман. “Марказий аънаналар” деганда туркий халқлар ҳисобланмиш **ўзбекларнинг** (ва уйғурларнинг), қозоқлар, қорақалпоқлар ва қирғизларнинг оғзаки ижоди намуналари бўлмиш эпосларни назарда тутганман...).

Муаллиф бу ўринда халқ оғзаки ижоди асарлари тили ҳақида ҳам алоҳида фикр юритиб, турк (“Turkish”) ва туркий (“Turkic”) тушунчалари изоҳига ҳам алоҳида тўхталади: “In order to avoid confusion, the distinction between “Turkish” and “Turkic” has been carefully maintained throughout the book. “Turkish” refers to the language of the people of Turkey; older forms of Turkish (before Atatürk’s language reforms in 1920s) are generally referred to as Ottoman or Ottoman Turkish. “Turkic”, on the other hand, refers to the language group to which Turkish belongs”. [14; 6].

Кўриняптики, муаллиф “turkish”, яъни турк тили Туркия халқи тили экани, унинг қадимий кўринишлари (1920 йиллардаги

Отатурк тил ислоҳотидан олдин) умуман турк (отоман)ларга тегишли бўлгани, “turkic” – туркий тил эса турк тили ҳам кирадиган тил гуруҳи эканини таъкидлаган.

Китобнинг “The Turkish Peoples: Backgrounds and Contexts” номли илк бобида туркий халқ – турклар, ўзбеклар, озарбайжонлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, уйғурларнинг милоддан аввал бошланиб XX асрнинг бошларигача кечган тарихи, кўчманчилик ҳаёти, дини, тили, маданияти, “Turkish Epic Poetry: The Earliest Documents” номли иккинчи бобида “Ўғузнома”, “Девону луғотит-турк”, “Дада Қўрқут китоби”, “Култегин битиги” асарларининг яратилиши, муаллифлари, маъно-мундарижаси, улардан олинган парчалар таржимаси келтирилган.

Китобнинг “The Singer: Shaman, Minstrel, Poet” деб аталувчи учинчи бобида ижрочилар: шомон, куйчи, шоир мақомида ўрганилган. Айниқса, Ўрта Осиё халқларининг достон куйловчилари – ўзбекларда бахшилар, қорақалпоқларда жирав ва бақсилар, қозоқларда оқинлар, қирғизларда манасчилар, маддоҳ ва қиссахонлар хусусида фикр юритилган. Оғзаки эпик жанр ижодкор ва ижрочиларининг шомонлардан фарқи ва ўхшашлиги изоҳлаб кўрсатилган.

Навбатдаги “Ижро” деб номланган тўртинчи боб Марказий Осиё халқларида урф-одат, аънана, маросимлар, уларнинг мусиқий-маросимий тузилиши, ритуал йўналиши, ижрода декламация, ижрочи ва аудитория, “Жанр” деб аталувчи бешинчи бобда эпос, шеър ва насрбилан боғлиқ жанрлар, романик эпос, қаҳрамонлик кўшиқ ва эртаклари масалалари, “Сюжет моделлари” номли олтинчи бобда “Қамбар” ва “қаҳрамон” тушунчаси, “Гўрўғли” ва совчилик, “Алпомиш” ҳамда қаҳрамоннинг қайтиши мотив моделлари табиати, бадиияти муаммоларига муносабат билдириб ўтилган. “Алпомиш” достонининг қисқача мазмуни ҳамда Фозил Йўлдош ўғли куйлаган вариантдан баъзи парчаларнинг аслияти ва инглиз тилидаги таржималаридан намуналар келтирилган.

Китобнинг “The Varieties of Formulaic Diction” номли еттинчи боби халқ оғзаки ижоди матнларининг стилистик формулалари, уларда вазн, параллелизм, формула ва формула тизими таҳлилига, саккизинчи боби ижро жараёнидаги

бадиҳағўлик, яъни “импровизация”, хотира санъати, вариантлик, қатъийлик, тўққизинчи боби формул риторика, услуб, бадиий ижодда поэтик усулларни қўллаш, персонажлар тизими ва табиатига муносабат акс эттирилган.

Ниҳоят, китобнинг “Transformations in Space and Time” номли ўнинчи боби “макон ва вақт” (хронотоп) масаласи “Гўрўғли” ва “Алпомиш” дostonларининг турли даврларда ёзиб олинган турфа вариант ва хронологияларини ёритишга бағишланган.

Умуман олганда, Карл Райхл тадқиқотлари туркий, жумладан, ўзбек халқи оғзаки эпик ижоди бўйича жуда қимматли материалларни ўз ичига олганлиги билан эътибор ва эътирофга лойиқдир.

**- Хулоса ва таклифлар  
(Conclusion/Recommendations)**

Натижаларимизнинг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар жаҳон миқёсидаги таржимон ва тадқиқотчи Карл

Райхлнинг илмий тадқиқотчиликдаги услубий маҳоратини, у фаолият юритган XX аср жаҳон қиёсий фольклоршунослигининг тарихий тараққиёт тамойиллари ва хусусиятларини, устувор методларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши билан белгиланади. Бу ишларнинг амалий аҳамияти эса таржимон ва тадқиқотчи Карл Райхл услубий маҳоратини далиллашга асос бўлган материаллардан олий ўқув юртларида ўзбек фольклоршунослиги тарихи, фольклор танқидчилиги, қиёсий фольклоршунослик бўйича маърузалар ўқишда, махсус курс ва семинарлар ўтишда; фольклоршунослик ҳамда фольклор таржимашунослиги фанларидан тайёрланадиган дарслик ва қўлланмаларни мукамаллаштиришда, ўзбек фольклорини хорижда ўрганувчилар антологиясини тузишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

**Адабиётлар:**

1. Лорд Альберт. Сказитель. – М.: Восточная литература, 1994.
2. Мирзаев Т. «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари. – Т.: Фан, 1968.
3. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Т.: Фан, 1979.
4. Мирзаев Т. Эпос и сказитель. –Т.: Фан, 2008.
5. Путилов Б. Методология сравнительно-исторического изучения фольклора. – Л.: Наука, 1976.
6. Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2011.
7. Vambery A. Travels in Central Asia. – London, 1996.
8. Lamont C. The Peoples of the Soviet Union. – New York, 1946.
9. Shah I. The Pleasantries of Incredible Mulla Nasrutdin. – London, 1974.
10. Bowra C. Heroic Poetry. London, 1961.
11. Paksoy H.B. “Alpamysh” Central Asian Identity under Russian Rule”, USA, AACAR, 1989.
12. Reichl Karl. Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure. Garland Publishing,inc. – New York & London, 1992.
13. Uzbekische Maerchen. Herausgegeben und uebersetzt von Karl Reichl. – Bochum, 1978.
14. Reichl K. Uzbek Epic Poetry: Traditions and Poetic Diction. – Hainsworth, 1989.
15. Райхл К. Тюркский эпос: традиция, формы, поэтическая структура / Карл Райхл: пер. с англ. В.Трейстер под ред. Д.А.Функа. – М.: Восточная литература, 2008.

(Тақризчи: А.Касимов – филология фанлари доктори)